

Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган✽ 2013 йил 16 февраль. Шанба №14 (874)✽ www.mahallagzt.uz✽ info@mahallagzt.uz

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

КАСБИЙ МАЛАКА — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Аввал хабар берганимиздек, жойларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Фонднинг ҳудудий тузилмалари ходимларининг касбий малакасини оширишга бағишланган икки кунлик ўқув-семинарлар юқори савияда ўтказилмоқда.

Кўни кеча Андижон шаҳрида Фонднинг вилоят бўлими ва бўлинмаларида хизмат қилаётган саксон нафарга яқин ходим касб малакасини оширишга доир ўқув-семинарға жалб этилди. Семинарда Фонднинг қўйи тузилмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифаларни амалға оширишда давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида урғу берилди. Машғулотлар давомида ижтимоий ҳамкорликни самарали йўлга қўйиш, айрим муаммоларни биргаликда ҳал этиш ва истиқболли режаларни ишлаб чиқиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этишда услу-

бий кўмаклашишни самарали йўлга қўйиш бугунги кунда Фонд қўйи тузилмалари олдига турган долзарб вазифалардан биридир, — дейди Фонднинг Улугнор тумани бўлиммаси раиси Исоқжон Алматов. — Шу боис, ўқув давомида тизим ходимларига комиссиялар ишини такомиллаштириш, фаолиятини самарали йўлга қўйишда услубий кўмакни кўчайтириш бўйича зарур кўрсатма, тавсия ва кўникмалар берилди. Малакали мутахассислардан ўрганган билимларимизни, албатта, ўз фаолиятимизда қўлаймиз.

Ўқув-семинарлар Қарши шаҳрида ҳам бўлиб ўтди. Унда Фонднинг Қашқадарё вилояти бўлими бошқаруvidан 8 нафар, 14 та туман ва шаҳар бўлинмаларидан 57 нафар масъул ходимлар иштирок этди.

> [2]

ҚАРОР ВА ИЖРО

САНОАТДАГИ САЛОҲИЯТ — ФАРОВОНЛИККА КАФОЛАТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги қарори асосида Ҳазорасп туманида кенг қўламли ишлар амалға оширилиши кўзда тутилган. Бу эса, энг аввало, маҳаллалардаги бандлик муаммосини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Бу ҳаётбахш қарорни, айниқса, Ҳазорасп тумани аҳли зўр қувонч билан кутиб олди. Яқин келажақда мамлакатимизнинг саноат салоҳияти юксалиб, аграр соҳа жадал ривожланади. Мазкур қарор асосида туманимизда тўртта йўналиш бўйича умумий қиймати 68 млн. 435,2 минг АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб қилиниши эъвазига 31 та лойиҳа амалға оширилади. Бу ўз навбатида, мингдан ортиқ янги иш ўрни очилиши учун етарли имкониятдир.

Буюк илпк йўлининг энг ийрик савдо марказларидан бўлган Ҳазорасп воҳанинг қадимий, гўзал гўшаларидан.

> [2]

ИСЛОҲОТ САМАРАЛАРИ

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

Юртимизда миллий қадриятларимиз эътиборға олинган ҳолда халқаро андозаларға мос ҳуқуқий тизим яратилди. Қонун ижодкорлиги жараёни такомиллашиб, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Сўнгги йилларда республикамизнинг норматив-ҳуқуқий базаси тубдан янгиланди. Қонунчиликни ҳаётга татбиқ этиш борасида миллий тажриба тўпланиб, ушбу ҳужжатларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш, ягона реестрини юри-тиш борасида муҳим ислоҳотлар амалға оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида: «Бундан ўн йил олдин қабул қилинган амалдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахририни қабул қилишни бутун ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Яъни ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни кенгайгани ва мураккаблашгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганига ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонунли-лини таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий

ҳужжатларнинг қонунларға, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эътиёжларига мос бўлишини тақозо этмоқда», дея таъкидланган.

Жумладан, Концепцияда «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунни янги тахрирда қабул қилиш вазифа сифатида қўйилган. Бу амалда қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришдан далолат беради. Қолаверса, ҳозирги босқичда давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги муҳим таркибий ўзгаришлар қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсири кўчайгани, қонунларни қабул қилиш механизмининг мукаммаллашгани билан изоҳланади.

> [2-3]

БАДИЙ ГИМНАСТИКА

НАФОСАТ ВА ШИЖОАТ УЙҒУНЛИГИ



Юртимизда хотин-қизлар спорти, хусусан, бадий гимнастика жадаллик билан ривожланиб бормоқда. 2005 йили республика гимнастика федерациясининг ташкил этилгани мамлакатимизда ушбу нафис ва гўзал спорт турини янада тараққий эттириш йўлидаги дадил қадамлардан бири бўлди.

Кейинчалик Хоразм, Бухоро, Навоий, Тошкент, Фарғона, Андижон вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида гимнастика марказлари иш бошлади. Ҳозир бундай марказлар ҳар бир туманда мавжуд. Бу каби саъй-ҳаракатлар натижа-сида аҳоли уртасида мазкур спорт турига қизиқиш кун сайин ортиб бор-

моқда. Мамлакатимиздан қўлаб иқтидорли бадий гимнастикачи қизларнинг етишиб чиқаётгани фикримиз далили-тир. Улар қўлаб нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиб, юртимиз довругини дунёга таратишаётир. Шу ўринда 2010 йил Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган ўн олтинчи ёзи

Осиё ўйинларида ўзбекистонлик бадий гимнастикачи қизлар қайд этган натижани ёдға олиш жоиздир. Мазкур нуфузли мусобақада вакилларимиз иккинчи ўринни эгаллашганди. Ўтган йили ҳамюртимиз Уляна Трофимова ўзининг юксак истеъдод соҳибаси эканини кўрсатиб, XXX ёзги Олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилди.

Қолаверса, Жамила Раҳматова, Замира Санақулова, Азиза Мамажоновна, Хусниябону Ғуломова сингари иқтидорли спортчи қизларнинг номлари бутун кўпчиликка таниш.

> [4]

ЎЗБЕКИСТОН — ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК БОЗОРИДАГИ НУФУЗИ ТОБОРА ОШМОҚДА



Ўзбекистон ўзининг тарихий обидалари, бетакрор маданияти, анъана ва қадриятлари, гўзал табиати билан турли мамлакатлардан ташриф буюраётган сайёҳларни тобора кенгроқ мафтун этмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирлари улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.

— Ўзбекистонда бундан ўн бир йил аввал ҳам меҳмон бўлган эдим. Бу галги сафарим чоғида пойтахтингизни сайр қилар эканман, унинг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини кўриб лол қолдим, — дейди франциялик Вивант Гарро. — Жорий йилнинг Президент Ислам Каримов томонидан Ўзбекистонда Обод турмуш йили, деб эълон қилингани ҳам мамлакатингизда амалға оши-

> [2]

КЎРИК-ТАНЛОВ

ЭНГ НАМУНАЛИ ОИЛАЛАР АНИҚЛАНДИ

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бери Президентимиз раҳнамолигида миллий маънавиятимиз ва қадриятларимиз шаклландиган маскан — оила институтининг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш мақсадида анъанавий тарзда «Энг намунали оила» кўрик-танлови ўтказилиб келинаётир.

Кўрик-танловда мустаҳкам оила госясини амалға ошириш орқали жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш, бу борада маҳалланинг роли ва таъсирини кўчайтириш, кенг жамоатчилик эътиборини бахтли ота-она, бахтли оила каби эзгу мақсадларга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

> [2]



РЕСПУБЛИКАМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА

КАШҚАДАРЁ

Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорига асосан ўтказилган бу талбирда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ЕИХ вакиллари ҳамда ота-оналар иштирок этиб, армияга отланаётган ўғлонларни она-Ватанга садоқат билан хизмат қилишга, халқимиз осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачигилек асрашга даъват этилди.

СУРХОНДАРЁ

Жарқўрғон туманида шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган ўттиз ўринли ушбу янги бинода жарроҳлик, реанимация ва қон таҳлили бўлимлари мавжуд.

Жорий йилда туман тиббиёт бирлашмасининг икки қаватли клиник-биохимик лабораторияси, рентген, стерилизация бўлимлари учун янги бино барпо этиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, «Гулҳовуз» маҳалласида 50 қатновга мўлжалланган янги қишлоқ врачлик пункти қад ростлайди.

НАВОИЙ

Кичик бизнес ва хусусий талбиркорликни ривожлантириш, банк ва бошқа молия институтлари фаолиятини янада такомиллаштириш, талбиркорларнинг ҳуқуқий билим ҳамда кўникмаларини ошириш масалаларига бағишланган иқтисодий-ҳуқуқий ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Вилояти ҳокими Э.Турдимов сўзга чиққан мазкур анжуманда маҳаллаларни кичик бизнес ва хусусий талбиркорлик марказига айлантириш, томорқа ҳўжаликлардан самарали фойдаланиш, тижорат банкларининг ушбу йўналишлардаги фаоллигини ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИСАН, АЗИЗ МАҲАЛЛАМ

МАҲАЛЛАМ ТАРИХИНИ ЎРГАНАМАН



Бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинларининг ёшлар оғида тарихий хотира, юксак маънавият, халқимизнинг тарихий анъаналари, маданий меросига ҳурмат, мустақил-литимизнинг мазмун-моҳиятини теган англаш каби фазилатларни шакллантиришдаги ўрни алоҳида.

Бу борадаги вазифалар қўламини янада кенгайтириш, йиғинларнинг илгор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида «Қадриятлар бешигисан — азиз маҳаллам» шiori остида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Маҳаллам тарихини ўрганаман» кўрик-танлови ёшларнинг ўзлари яшаб турган маҳалла, қишлоқ тарихи, урф-одат ва анъаналарига оид билимларини мустаҳкамлаш, уларни бой маданий меросимиз билан яқиндан таништириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда.

> [2]

ҚАРОР ВА ИЖРО

САНОАТДАГИ САЛОҲИЯТ — ФАРОВОНЛИККА КАФОЛАТ

< [1]

Питнак шаҳарчасидаги «Хоразмавтомобил» ишлаб чиқариш бирлашмаси масъулияти чекланган жамияти базаси негизда алоҳида корхона шакллантирилди. Ҳозирги кунда ташкилий ишлар давом этмоқда. «Дамас» ишлаб чиқарилиши муносабати билан 550 та янги иш ўрни яратилади. Ҳозирдапоқ маҳаллалардан кўплаб ёшлар ушбу корхонада ишлаб иштиёқда. Улар Андижон вилоятидаги ана шундай русумли автомашиналар ишлаб чиқарилаётган заводда малакаларини ошириб қайтишди. Айни кунларда цехлар қурилиши бошланди. Бу бунёдкорликларда ҳам маҳаллалардан келиб, меҳнат қилаётган қурувчилар кўпчилигини ташкил қилади. Уларга барча шaroитлар яратиб берилган. Шуниси қурувчиларки, «Дамас»нинг бутловчи қисмлари ҳам туманининг ўзида тайёрланади. 2014 йилдан бошлаб мамлакатимиз йўлларида Хоразмда ишлаб чиқариладиган «Дамас» автомашиналари юра бошлайди.

Озик-овқат маҳсулотлари-

ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИСАН, АЗИЗ МАҲАЛЛАМ

МАҲАЛЛАМ ТАРИХИНИ ЎРГАНАМАН



< [1]

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва бир қатор вазирлик ва идоралар, ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур танловнинг республика ҳудудий босқичлари ўтказилди.

— Аҳоли орасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этилаётган мазкур қўриқ-танловнинг нуфузи йил сайин ортиб бормоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари, ташкилий қўмита аъзоси Гавҳар Ашимова. — Танлов ёшларимизнинг маҳалла институтига оид билимларини янада оширишга хизмат қилиши билан бирга, фуқаролар йиғини хузуридаги Вояга етмаганлар, ёшлар, спорт ва соғломлаштириш масалалари бўйича комиссияси фаолияти, «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида олиб

борилаётган ишларни баҳолашда ўзига хос мезон вазифасини ўтамоқда.

Қўриқ-танлов Низомига кўра, унинг якуний республика босқичи туртта ҳудудга бўлинган ҳолда ўтказилди. Биринчи ҳудуд бўйича беллашувлар Андижон, Фаргона ва Наманган вилоятлари жамоалари ўртасида Андижон шаҳрида, иккинчи ҳудуд бўйича Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари жамоалари ўртасида Гулистон шаҳрида, учинчи ва тўртинчи ҳудудий босқичлар Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари жамоалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари жамоалари ўртасида Тошкент шаҳрида ўтказилди.

Танловнинг биринчи шартига кўра, иштирокчилар тақдим этган ҳужжатлар ҳақамалар ҳайъати томонидан 60 балли тизимда, иккинчи шартга кўра, иштирокчиларнинг «Маҳаллам тарихи» номи

ни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича белгиланган лойиҳалар ҳам диққатга сазовор. Бу борада умумий қиймати 931,1 минг АҚШ доллари миқдоридаги 10 та лойиҳа амалга оширилади. Шу муносабат билан 93 нафар янги иш ўрни очилади. «Ўзпахтасаноат» уюшмаси қошида 166,2 минг АҚШ доллари ҳисобида йилига 100 тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган, «Шаҳзода Акмал» масъулияти чекланган жамияти томонидан йилига 200 тонна қандолат маҳсулотлари, 100 минг дона шартли сувни филтрлаб идишларга қадоқлаш, «Мафтун универ сервис» масъулияти чекланган жамияти томонидан йилига 30 тонна томат пастаси, «Хазорасп Нилуфар савдо» МЧЖ томонидан йилига 50 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган ва шунга ўхшаш яна олтига янги корхона қадростлайди. Уларнинг қўчилиши шу йилнинг биринчи ва иккинчи чорағида ишга туширилади.

Вилоятда бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. Қурилиш материаллари-га талаб ва эҳтиёж каттали-

ри боис Хазорасп туманида амалга оширилиши кўзда тутилган лойиҳалар қўлами кенг. «Хазорасп Нур» масъулияти чекланган жамияти йилига 1,5 минг тонна мих, «Шаҳзода Акмал» МЧЖда йилига 150 минг дона металл томёпқич, «Қурилиш материаллари комбинати» МЧЖда йилига минг метр куб темир-бетон маҳсулотлари, «Жалобек, Жамилбек» МЧЖ томонидан йилига 4,8 млн. дона пишиқ гишт ишлаб чиқарадиган корхоналар ишга туширилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, металл шифер, пластмасса қувурлар ишлаб чиқариладиган корхоналар ҳам иш бошлайди. Умуман, бу йўналишда 6 та лойиҳа ишига 646,8 минг АҚШ доллари сарфланиб, 104 нафар фуқаро янги иш ўрнига эга бўлади.

Енгил саноат маҳсулотлари, тайёр истеъмол товарлари ишлаб чиқариш борасида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Бешта лойиҳа бўйича умумий қиймати 10507,3 минг АҚШ доллари миқдорида маблаг сарфланиб, 265 та янги иш



рилиши режалаштирилган. Булар ҳисобига 25 нафар иш ўрни очилади. Тадбиркор Дармонжон Тожиёва томонидан амалга ошириладиган лойиҳа асосида йилига 2,5 минг дона турли тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган цех қадростлайди. Ҳар иккала тадбиркор сарфланадиган харажатнинг маълум қисmini ўз ҳисобидан, маълум миқдорини банкдан олинадиган кредит ҳисобида амалга оширади.

Президентимизнинг «2013-2015 йилларда Хоразм

вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги қарори келажак манфаатларини кўзловчи, маҳаллалар фаровонлиги, эл-орт ободлигига ҳисса қўшадиган муҳим дастуриламал эканини диддан ҳис қилган хазораспликлар шукроналик билан меҳнат қилаётirlар.

Қувондиқ ОРТИҚОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг
Хазорасп тумани бўлинимаси раиси.

ўринни қўлга киритди.

Танловнинг учинчи ҳудудий республика босқичида Навоий вилояти Нурота тумани «Миришор» маҳалласининг «Нур шўъласи» жамоаси биринчи ўринга муносиб қўрилган бўлса, иккинчи ўринни Бухоро вилояти Когон туманидаги «Чолоқи» маҳалласининг «Нақшбанд» жамоаси, учинчи ўринни эса, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани «5-сонли» маҳалласининг «Жайхун» жамоаси қўлга киритди.

Тўртинчи ҳудудий республика босқичида Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги «Кимёгар» йиғинининг «Кимёгар» жамоаси биринчи, Самарқанд вилояти Самарқанд тумани «Қуйи Чордара» маҳалласининг «Истеъодли ёшлар» жамоаси иккинчи ва Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги «Сур-

хон соҳили» маҳалласининг «Сурхон ёшлари» жамоаси учинчи ўринга лойиқ топилди.

«Маҳаллам тарихини урганаман» кўрик-танловида иштирок этган барча фуқаролар йиғини ўз ҳудудларида миллий ва умумбашарий қадриятлар, урф-одат ва анъаналаримизнинг ҳаётга жоний этилиши ҳамда бу борада аҳоли ўртасидаги тарғибот ишларининг қай даражада йўлга қўйилганини ўз қиёшларида намоиш этди.

Танлов ғолиблари «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва ҳамкор ташкилотларнинг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

ЎЗБЕКИСТОН — ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАҲОН САЙЁҲЛИК БОЗОРИДАГИ НУФУЗИ ТОБОРА ОШМОҚДА

< [1]

Сингапурда Ўзбекистон маданияти, тарихи ва бутунги кўни билан танишишга қизиқиш катта. Мамакатларимиз ўртасида сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётгани, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

— Ўзбекистон — сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга мамлакат. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларининг, неча асрлардан бунён ўз жиссини йўқотмай келаётган меъморий обидаларининг, меҳмоннавоз хал-

қингизининг таърифи тилларда дoston, — деб таъкидлайди италиялик Аристофан Губерти. — Мамлакатингизда истиқлол йилларида халқаро ва ички туризмини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини юксалтиришга қаратилаётган улкан эътибор диққатга сазовор. Ўзбекистонда куннинг қайси маҳали бўлишидан қатъи назар одамларнинг хотиржам сайр қилиб юрганини кўриш жууда қувонарлиқдир. Ҳамма мамлакатда ҳам одамлар ўзини бундай эркин ва хотиржам ҳис қилмайди. Шу боис сайёҳлар Ўзбекистонга келишини ҳўш қўради.

Қиш фасли бўлишига қарамас-

дан, юртингизда баҳор нафаси ҳўкмон. Баҳорда мамлакатингизда Навруз байрами катта тантана билан нишонланади. Утган йилги таширлиф чоғида ушбу айёмга бағишланган байрам тадбирларида катта-кичи парасиға муассар бўлган эдим. Бу сафар ҳам ана шундай имкониятга эга бўлаётганимдан мамнунман.

— Мексикадаги сайёҳлик компаниясида гид лавозимига ишлайман, — дейди мексикалик Хени Торрес. — Ўзбекистонда бир неча марта меҳмон бўлганман. Мамлакатингизда сайёҳларни ўзига жалб этувчи

омиллар кўп. Ноёб тарихий ёдгорликлар, муқаддас зиёратгоҳлар, хушманзара табиат ва файли тўшларлар шунлар жумласидаандир. Шу боис Ўзбекистоннинг жаҳон сайёҳлик бозориданги нуфузи тобора ошмоқда. Нафақат пойтахт Тошкентда, балки мамлакатингизнинг барча ҳудудларида сайёҳлик жадад ривожланиётгани, сайёҳларнинг мароқли дам олиши учун қўлайлиқлар яратилаётгани диққатга сазовор.

ЎЗА мухбирлари
Мадина УМАРОВА,
Ирода УМАРОВА
ёзиб олди.

ИСЛОҲОТ САМАРАЛАРИ

< [1]

Қонун ижодкорлигини ривожлантириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатини ошириш мақсадида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниб, матбуотда эълон қилинди. Янги қонун 7 боб, 44 та моддадан иборат.

Қонуннинг 3-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчасига таъриф берилган. Унга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжат «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир.

Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турларига аниқлик киритилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг буй-

руқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳўқимияти органларининг қарорлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Қонуннинг яна бир янги жиҳати — унга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш, тайёрлаш тартиби ва уларни экспертизадан ўтказиш масалаларига бағишланган алоҳида боб киритилган. Унда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар қонун ҳужжатлари нормаларини тақомиллаштириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашнинг режаларини (дастурларини) ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш имкониятини тўғрисидаги қондалар ўз ифодасини топади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш талабларидан бири сифатида ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга сабий таъсир кўрсатаётган нуқсонлар ва зиддиятларни, шунингдек, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни, қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ҳамда шaroитларни аниқлашга оид норма-

лар белгиланган.

Бинобарин, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатини оширишда уларнинг лойиҳалари экспертизаси муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, ҳуқуқий экспертиза давомида ҳужжат лойиҳасининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунарига, қонунийлик техникаси қондаларига мувофиқлиги, ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослигини ҳамда мақсадга мувофиқлиги текширилиши, шунингдек, давлат ҳўқимияти ва бошқаруви органлари тизимига коррупция, бошқа ҳўқўбузарликлар содир этилиши учун шaroит яратадиган, тадбиркорлик субъектлари учун асосий харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чековларни жорий этадиган қондалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш белгиланган.

Қонунда вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳуқуқий ворислик механизми ҳам батафсил ёритиб берилган. Хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган идора қайта ташкил этилган тақдирда, ҳуқуқий во-

рисга ўз ваколати доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи билан бирга илгари қабул қилинганларига ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туршиш ва тугатиш ваколатларини ҳам ўтиши ҳақидаги қондалар ўз ифодасини топади.

Унда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун асос бўлмаслиги ва ҳуқуқий оқибатларга олиб келмаслиги, шунингдек, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини амалга жорий этишнинг учун маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланган. Албатта, бу нормаларнинг киритилиши мансабдор шахсларнинг ушбу соҳадаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати ва уларнинг эълон қилинишига ҳам қўшимча талаблар белгиланган. Хусусан, қонун лойиҳасини уни қабул қилувчи органга киритаётганда хал-

қаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли қондаларини, мавжуд халқаро тажрибани Ўзбекистон Республикаси шaroитида қўлаш мақбулигига тўғрисидаги асосли тақлифларнинг кетма-кетлик тартибиди, кўрсатилган ҳолда таҳлилий-қийсий жадвалларини тайёрлаш шартлиги белгиланган. Шу билан бирга, халқаро ҳужжатлар ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг принциплари, қондалари ҳамда таърифларининг тайёрланган батафсил таҳлилий ўз ичиға олган қийсий жадвалсиз киритилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилмаслиги ҳақидаги нормалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Айниқса, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳўқимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари матнларининг электрон шакллари уларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиниш шартлиги белгиланган фуқароларнинг қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида тезкор ахборот олишида муҳим аҳамият касб этади.

Давлат ҳуқуқий муносабатлар орқали халқ иродасини қонун да-

жасида ифода этади, ижтимоий бошқарув ва сиёсий раҳбарлиқни амалга оширади. Бу жараён ҳўқўқ ижодкорлиги бўлиб, унинг энг юқори даражада тақомиллашган шакли бу қонун ижодкорлигидир. Шу маънода у ёки бу қонуннинг яратилишига бўлган эҳтиёжни ўрганиш — қонунчилик жараёнининг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Бу қонун лойиҳасининг тайёрланиши, парламентга киритилишидан бошлаб, у қабул қилинганга қадар давлат органлари томонидан рўёбга чиқариладиган ваколатлар мажмуини ташкил этади.

Мамлакатимизда қонун чиқарувчи қўқимиятнинг ислоҳ қилиниши, аниқроғи, икки палатали парламентнинг жорий этилиши қонун ижодкорлиги фаолиятини янги босқичга кўтарди.

Маълумки, қонун ижодкорлиги жараёни қонунчилик ташаббуси, қонун лойиҳасини муҳокама қилиш, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиш, Сенат томонидан маъқулаиш ҳамда Президентимиз томонидан қонунни имзолаш ва эълон қилиш босқичларида ўз тақомилига эришади.

Биргина Қонунчилик палатасида

га эга бўддим, — дейди Фонднинг Янгиқўрғон тумани бўлинимаси масъул қотиби Фаррухжон Ирисбоев.

Фонднинг Самарқанд вилояти бўлими ва бўлинималарида ўтаётган ўқув-семинарларда тизимда фаолият юритаётган 88 нафар мутахассис фаол қатнашаётirl.

Семинарда бош мутахассислар учун «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмининг янада қучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасини амалга ошириш ҳамда ушбу йўналишда фуқаролар йиғинларига услубий қўмаклашиш масалалари, шунингдек, ота-оналарнинг баркамол авлодини тарбиялаш йўналиши билан масъулиятини ошириш мақсадида фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган «Ота-оналар университети» фаолиятини тақомиллаштиришда Фонднинг қўли тўқималари томонидан услубий қўмаклашиш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, эрта турмушнинг олдини олиш, никоҳдан олдинги тиббий қўрик, ақиданарастайкка қарши курашишда фаоллик талаб этилиши ўқтирилди.

— Маҳаллаларда миллий, диний урф-одатлар асосида тўй-ҳашамлар ва бошқа маросимларни ихчам ҳамда камчилик ўтказишга қаратилган тарғибот-таъбиғот ишлари самарадорлигини ошириш масалалари ҳам алоҳида муҳокама этилаётirl. Бу борада Фонд ходимлари қарур тушунча ва тавсиялар берилади. — дейди Фонднинг Ургут туман бўлинимаси бош мутахассиси Шаҳрия Набиева. — Айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари ҳамда мазкур йўналишда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ишини самарали ташкил этиш бўйича фикр алмашилди.

Семинар якунида Фонд ходимлари ўртасида илгор тажрибаларни оммалаштиришга, бир-бирларининг иш усуллари таҳлилга бағишланган чиқишлар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, иштирокчиларнинг ўқув-машгулотлари пайтида олган малакаларини аниқлаш мақсадида савол-жавоблар ва тест синовлари ўтказилди.

Икки кунлик ўқув-семинарлар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Бугун Фонднинг Бухоро вилояти бўлими ва бўлинималари ходимлари учун ҳам ўқувлар бошланди.

Мухбиримиз.

> [3]

КҮРИК-ТАНЛОВ



ЭНГ НАМУНАЛИ ОИЛАЛАР АНИҚЛАНДИ



— Ушбу кўрик-танлов оилаларни янада мустақамлаш мақсадида ўтказилди. — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси, кўрик-танлов ҳакамлар ҳайъати аъзоси Мактуба Арипова. — Айни пайтда республикамиз бўйича 45 мингдан зиёд намунали оилаларнинг фаолияти ўрганиб чиқилди. Танловларда 4 мингдан ортқ оила иштирок этди. Республика бошқичи ҳолибларини аниқлашда оила аъзоларининг таркиби, касби-кори, уларнинг сеvimли машғу-

лотига оид ҳужжатлари, фотоальбомлари ҳамда фарзандларига миллий қадрият ва анъаналаримиздан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия бериши юзасидан тайёрланган видеороликлар 100 баллик тизимда баҳоланди.

Нуфузли ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг ҳулосасига кўра, «Энг намунали оила» кўрик-танловининг ҳудудий республика бошқичида Асака тумани Алишер Навоий номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Собировлар оиласи. Бухоро вилояти Шофиркон тумани «Қамақон» маҳалласида яшовчи Ашуровлар оиласи, Жиззах вилояти ҳудудий рес-

публика бошқичида Бахмал тумани «Оқтош» маҳалласидан Эрматовлар оиласи ҳамда Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳри «Зафаробод» маҳалласида яшовчи Санақуловлар оиласи ҳолиб деб топилди.

— Тойир Эрматов узоқ йиллар давомида ҳудуд тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида тинимсиз меҳнат қилиб, ҳурмат ва эътибор қозонди, — дейди йигин раиси Д.Мисиров. — Уттан йиллар мобайнида унинг бево-сита ташаббуси билан бешта кам таъминланган оила фарзандлари-

нинг хатна тўйлари ўтказилди. Туртта нотинч оила яраштирилди. Ушбу кўрик-танлов адолат ва ошқоралик тамойиллари асосида ўтказилди ва энг муносиблар тақдирланди.

— «Энг намунали ёш оила» кўрик-танловининг Самарқанд вилояти бошқичида олий ўринга муносиб топилганимиздан беҳад мамнунман, — дейди Каттақўрғон шаҳар «Зафаробод» маҳалла фуқаролар йигинида яшовчи Акбар Санақулов. — Танлов давомида оила аъзоларимнинг бизга ўргатган ҳаётий тажрибалари, йул-йўриқлари қўл келди. Танловда иштирок этиш жараёнида

шу нарсга амин бўдимки, оиладаги меҳр-оқибат унинг мустақамлалигини таъминлашда муҳим омил экан.

Таъкидлаш жоизки, бундай кўрик-танловлар оилаларни рабатлантириш ва руҳий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳар бир оиланинг моддий фаровонлиги, турмуш маданиятини янада юксалтириш, оилада соғлом ва барқамол авлодни вояга етказишда ўзига хос таъсирчан омил бўлиши шубҳасиз.

Танлов ҳолибларига диплом ва қўimmatбоҳ соғвалар топирилади.

Н.ТОЛИБОВ.

ХУШХАБАРЛАР

Пойтахтнинг тежамкор чироқлари

- ✓ Ислон тараққиёт банкининг ижрочи директорлар кенгаши пойтахтимиз кўчаларини ёритиш сифатини ошириш лойиҳасига 36 млн. АҚШ доллари ажратиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу ҳақда 12news.uz сайти мазкур халқаро банк маълумотида таяниб хабар берди.



Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳамда «Тошшаҳарнур» ДУК «Тошкент шаҳрини ташқи ёритиш тизимида самарадор энергия технологи-

яларини жорий қилиш» лойиҳасининг ташаббускорлари бўлишди.

Лойиҳанинг амалга оширилиши пойтахтимизда электр энергияси истеъмолини тежаш, шаҳар кўчалари ва автомобиль йулларида ёритиш даражасини ошириш, кўриш қобилиятига зарарсиз ҳамда тежамкор ёритиш манбаларини жорий қилишга ёрдам беради.

Алоқа кенгаймоқда

- ✓ «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Тошкент шаҳрида хонадонларда интернетдан фойдаланиш имкониятини ошириш мақсадида янги лойиҳа амалга оширилди. Натижада, интернетга улааниш имкониятига эга уйлар сони яна 540 тага кўпайди.



Эслиб ўтаимиз, 2012 йилда «ТШТТ» «Ўзбектелеком» АК томонидан 2,075 бинога

598,8 километр узунлиқдаги оптик толали алоқа тизими тортилган эди. «Ўзбектелеком» жорий йилда ҳам бу борадаги ишларини давом эттирди. Шунингдек, компания «FTTx» оптик-толали технологиясини жорий қилиш мақсадида Хитой тараққиёт банкининг 9,01 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги кредитини жалб қилишни режалаштирган.

Ишончли ҳамкорлик келишуви

- ✓ БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти бош қароргоҳи(Мадрид)да «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жағғармасининг қатор халқаро лойиҳалари намойиши бўлиб ўтди.

Мазкур нуфузли халқаро ташкилотнинг Бош котиби Талей Рифаи билан жағғарма вакилларининг учрашуви чоғида «Асрлар садаси» анъанавий маданият фестивали ҳамда «Art Week Style.uz» санъат ҳафталиги илк даврларданок жаҳон ҳамжамиятида нуфузли воқеа сифатида шўҳрат қозонгани эътироф этилди.

Музокарада «Ўзбекистон

маданияти ва санъати форуми» жағғармаси билан Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ўртасида ўзаро ишончли ва мустақам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳамда кенгайтиришга келишиб олинди. Қайда, этиш лозим, мамлакатимиз Жаҳон сайёҳлик ташкилотига 1993 йилда аъзо бўлган, 2011 йилдан бошлаб мазкур халқаро ташкилотнинг Ижроия кенгаши таркибига кирган.

ПАРРАНДАЧИЛИК — СЕРДАРМАД СОҲА

ЯЙЛОВДАГИ ХАЗИНА ШУНЧАКИ ТОПИЛМАЙДИ

Қамаши туманидаги Чим қишлоқ фуқаролар йигини аҳлига бугун ҳавас қиладиганлар кўп. Улар — тадбиркор кишилар. Ҳар бир хонадондаги чироққина товуқхонада парранда боқилади. Чим кўчаларидан ўтсангиз, қулоғингизга хўрозларнинг қичқирғи эшитилса, йул четидан тўда-тўда бўлиб «сайр»га чиққан куркалар кўзингизни қувнатади.

— Уч йўздан зиёд куркам бор, — дейди шу ерлик Нормурод Абдурахмонов. — Уларни уй шароитида парвариш қилайман. Курка боқилини бошладим, рўзгоримга барака кирди, дастурхоним тўкин бўлди. Пулга эҳтиёж сезсам — икки донаси юз минг сўм туради — бозорга чиқараман. Баъзан ўйлаб қолам, меҳнатидан қочсам, менга шунча «хазина»ни ким беради? Тўғри, бу ишнинг машаққати кам эмас. Куркага кенг ййлов зарур. У қанча кўп юрса, танаси шунча ривожланиб, вазни ортади. Қолаверса, курка нафсини жиловломайди. Қўйиб берсангиз, уч кунда бир тоннага яқин бутдойни паққос тушириши мумкин. Шу босис, уни озиқлантиришни маълум бир метёр асосида ташкиллаштириш керак.

Дарвоқе, чимликларнинг хонадонларига кирсангиз ёки суҳбатлашиб қолсангиз, улар фуқаролар йигини мутасадида лари ҳақида тўлиб-тошиб гапирилади, уйда мўмай даромад топилаётганида айнан бу инсонларнинг ёрдами катта бўлаганини эътироф этишади. Йигин хузуридаги комиссия ўз имконияти доирасида уларга кредитлар олиш, тадбиркорлигини ривожлантиришга қўмаклашиб келаётир. Шу ерлик Салим Нормуродов ҳам ўзининг мақсадини йигиндагиларга айтганда, муроди тезда ҳосил бўлди.

— Қишлоқ фуқаролар йигини кўмакида уч йил олдин «Микрокредитбанк»нинг Қамаши филиалдан уч миллион олти ўз минг сўм кредит олгандим, — дейди у. — Натижани кўриб турибсиз. Паррандачилик бўйича

«Иқболхоним» фермер хўжалигини ташкил этдим. Тўрт нафар маҳалладошимни иш билан таъминладим. Ойлик маошини вақтида олиб, рўзгорларига тобора бутланаётган ишчиларнинг чеҳрасидаги мамнуниятни кўрсам, очиги, ййраб кетаман. Ахир, бир кишига бундан ортқ бахт бўладими? Ҳар йил беш юз-олти юзта куркани сотиб, ҳалолат даромад орттиришаман.

Паррандабоқарнинг айтишича, кун сайин эт знадиган курканинг «нозик» жиҳатлари ҳам бор. Жумладан, у кассаликка тез чалинади. Айниқса, ҳозир чет элдан наслдор парранда турларининг келтирилётгани ҳар хил кассаликларнинг кўпайишига сабаб бўлаётир. Бундай ймаллар орасида энг ёмони, «оспа» деб атаиб, куркаларнинг этида ярага ўхшаш доғлар пайдо бўлиши билан аниқланади. Икки-уч кун беварқ қаралса, парранданинг нафас олиш тизимини ҳам ишдан чиқаради. Вақтида чора қўрилмаса, куркалар қирилиб кетиши ҳеч гапмас.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун Чимда зооветеринария шохобчалари беминнат ишлаб турибди. Шохобчадаги мутахассислар хонадонларда бўлиб, ўз тавсия ва маслаҳатларини бериштиради. Қишлоқ аҳли уларнинг йул-йўриқларига амал қилиб, зарур дорин-дармонларни вақтида қўлламоқда.

Паррандачиликни ривожлантириш тухум ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабни қондиришга хизмат қилаётир. Бундай хайрли мақсадларни кўнгилга туккан фермер С.Нормуродов фермер хўжалигида қишлоқ аҳли уларнинг йул-йўриқларига амал қилиб, зарур дорин-дармонларни вақтида қўлламоқда.

Паррандачиликни ривожлантириш тухум ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабни қондиришга хизмат қилаётир. Бундай хайрли мақсадларни кўнгилга туккан фермер С.Нормуродов фермер хўжалигида қишлоқ аҳли уларнинг йул-йўриқларига амал қилиб, зарур дорин-дармонларни вақтида қўлламоқда.

Мамакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг қонунчилик базасини ташкил этувчи қонун ҳужжатлари миқдор жиҳатдан

лиги тасарруфидоги уч гектар сувай, бир гектар лаамин ерини дон-дун учун ажратган. Шу ўринда бир маълумот: курканинг макени кунига 300 грамм, эркак эса 500 грамм дон ейди. Яхши фойда кўраман деган одам шу меъёрни ўзгартирмаслиги керак.

Уй шароитида куркадан жўжа очирини бироз мастулиятли иш. Парранда курк бўлди-ми, хонанинг ҳароратига жиддий эътибор берилади. 18-20 градусдан ошмаган ҳароратда тухумлар палагда бўлмайди. Тухумларнинг тағига қуруқ кесак, сўнг устига сомон тўшаб чиқилади. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, албатта. Яъни кесак нам ўтказмаса, сомон ҳароратини бир меъёрда ўшлаб туради. Она курканинг 42 градусли иссиқ ҳарорати 28 кунда жўжаларнинг тухумини ёриб чиқиши учун етарли.

Эътиборлиси, 40 кунда — жўжасини ажратганидан сўнг яна 17-19 тагача тухум тугади, тақрор курк бўлади. Курка икки ойлик бўлгунча жўда эҳтиётланади. Доим 35-36 градусда сақланмаса, жўжалар нобуд бўлади.

Чимликларнинг бир неча йил давомида ортирган тажрибалари шулардан иборат. Қолаверса, қўшимча даромад манбаи — товуқ парвариши ҳам қишлоқда яхши йўлга қўйилган.

Ўзбекистон — имкониятлар юрти. Бугун бу гап ҳар бир ўзбекнинг юрагига сингип улгурди. Ёшу қари бирдек яхши яшашга интиляпти. Турмушининг обод бўлиши учун изланаяпти. Янгидан-янги гоёлар, ташаббуслар билан чиқилишти. Энг муҳими, улар бунини удаалаб, эл-юрт орасида обрў қозонишаётир. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, уй шароитида даромади нақд юмуш билан шугулланишда муайян тажриба ва ютуқларга эга чимликлар ҳам маҳалла-кўй елкадошлигида юрт равнақиға хисса қўшилимоқда.

Баҳодир ҲАЛИМОВ, журналист.



ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !

«Асака» БАНК (ОАЖ)

қуйидаги миллий ва хорижий валютадаги мuddатли янги омонат турларини таклиф этади:

«ФАРОВОН ТУРМУШ» (МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА)

Ушбу омонатнинг сақланиш мuddати 12 ой ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

«ИШОНЧЛИ» (АҚШ ДОЛЛАРИДА)

Ушбу омонатнинг сақланиш мuddати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиниш мумкин.

Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянингини сақланишини ва қўйилишини кафолатлайди.

Барча омонатларнингиз фуқароларнинг банклардан омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотида сир сақланишини тўлиқ кафолатланади!
- ағалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрийингизда!

Хизматлар лицензияланган.

МУҲИМ МЕЗОНИ



Қонун ижодкорлиги механизмининг тақомиллаштиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим: ҳаволаки нормалар, идоравий ёндашув, тақрорланиш ҳамда турли терминлардан фойдаланишнинг бартафариқ этиш; қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишдан олдин у қабул қилингандан сўнг ижтимоий муносабатларга қандай таъсир қилишини аниқлаш механизмларини тақомиллаштириш; қабул қилинаётган қонунлар сифати ва муайян даражада тизимлашувиға эришишда янги таҳрирда қабул қилинаётган қонун лойиҳаларини маромига етказиш, амадаги баъзи қонунларни янги таҳрирда қабул қилишга устуворлик бериш, қонунларга ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар қириштириш камайтиришга эришиш; қонун ҳужжатларини амалга ошириш механизмининг ижтимоий муносабатларга ҳуқуқ ёрдамида уларни умуммажбурий, норматив тарзда тартибга солиш мақсадида таъсир этиш.

Муҳими, бу ижтимоий муно-

сабат иштирокчиларининг юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. ҳуқуқлар рўёбга чиқарилишини ва мажбуриятлар бажарилишини таъминлайди.

Қонун ижросини таъминлаш — ҳуқуқий, процессуал, моддий-техник, ташкилий ва ҳатто психологик омиллардан таркиб топган мураккаб тизимдир. Мазкур жараёнда турли бўғиндаги ижроия ҳокимияти органлари вакиллари қабул қилиб, унинг ижросини таъминлайди. Айтиш керакки, мазкур жараёнинг самарадорлигини белгилловчи энг асосий омил қонун ҳужжатининг сифатидир.

Дарҳақиқат, айнан қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юқори сифати ижроия ҳокимияти органларининг қонунлар ижросини таъминлаш борасидаги фаолиятида ҳал қилувчи ўрин тутди, мазкур жараёнинг самарадорлигини белгилайди, соҳада йўл қўйилиши мумкин бўлган хато ва камчиликларнинг олдини олади.

Демак, бугунги кунда мамлакатимизда кечаётган ислохотлар шароитида мукамаал меъёрий-ҳуқуқий асосни шакллантириш дозарб масала ҳисобланади.

Қонунлар ижросини таъминлаш жараёнини тақомиллаштириш ҳамда қонунлар сифатини ошириш бир-бири билан узвий боғлиқ, бири бирини тақозо этувчи вазифалардир. Яъни қонунчилик ҳамда ижро тизимида бир-бирини тўлдирувчи икки омил сифатида қараш мумкин. Ҳуқуқ ижодкорлигида қабул қилинаётган меъёrlарнинг ижтимоий натижаси, оқибатлари аввалдан таққиқ этилиши ҳал қилувчи аҳамий касб этади. Зеро, ижтимоий муносабатлар ниҳоятда мураккаб тузилмига эга. Турли жараён ва ҳодисалар ўзаро боғлиқ ёки айни вақтда бир-бирига зид ҳолатда ривожланишини инобатга оласа, ҳар қандай ҳуқуқий меъёр ўз самарасини бериш билан бирга акс таъсирни ҳам келтириб чиқариши табиий.

Мамакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг қонунчилик базасини ташкил этувчи қонун ҳужжатлари миқдор жиҳатдан

қўпайиб боргани сайин кодекс шаклидаги ҳужжати ишлаб чиқишга эҳтиёж ортиб боради. Кодекслаштиришни мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг ҳуқуқий базасини тақомиллаштириш жараёндарининг устувор бошқичи сифатида эътироф қилинган лозим. Ҳозирги кунда мамлакатимиз қонунчилиги тизимида 15 та кодекс амал қилмоқда. Мазкур кодекслар мазмунига бугунга қадар ижтимоий тараққиётта мослаштириш йўлида бир қатор ўзгартариш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Қонун ижодкорлигини тақомиллаштириш борасидаги яна бир муҳим вазифа бу — ҳуқуқнинг ўзига хос қонунчи-ятларидан келиб чиқиш ҳамда

Бир сўз билан айтганда, қонун ижодкорлиги — бу мутта-сил ривожланиб борадиган, том маънодаги илмий-назарий ҳамда амалий-иждоий жараён. Қабул қилинган янги таҳрирдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар туғрисида»ги қонун мазкур жараён-ни сифат ва мазмун жиҳатдан янги бошқича олиб чиқишга хизмат қилади.

У.МУҲАМЕДОВ,
Бош прокуратура бўлим
катта прокурори, адлия маслаҳатчиси.

БАДИЙ ГИМНАСТИКА

НАФОСАТ ВА ШИЖОАТ УЙҒУНЛИГИ



< [1]

Мамакатимизда мазкур спорт турига қаратилган юксак эътибор ҳорижлик эксперт ва мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилаётди. Сунгги пайтларда азим пойтахтимиз бадий гимнастика бўйича бир қатор йирик спорт мусобақаларига мезбонлик қилиб келмоқда. Хусусан, Тошкентда 2004, 2005, 2011, 2012 йилларда Жаҳон кубогини босқичлари, 2010 йилда ўсмир қизлар ўртасида Осиё чемпионати муваффақиятли ўтди.

Бугунги кунда юртимиз-

нинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган 600 дан ортиқ спорт залида 10 минг нафардан зиёд қиз малакали мураббийлар раҳбарлигида бадий гимнастика билан машғул. 2003 йили 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган қизлардан 1646 нафари бадий гимнастика билан мунтазам шугулланган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 40 минг нафардан ошиб кетди.

2005-2012 йиллар давомида хорижда ташкил этилган 29 та спорт тадбирида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ёш бадий гимнастикачи қизларнинг иш-

тирок этишига имконият яратилгани натижасида 21 та олтин, 33 та кумуш ва 18 та бронза, жами 72 та медал қўлга киритилди.

Энг муҳими, қизларимизнинг мазкур спорт тури билан шугулланишлари учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Президентимизнинг 2011 йил 27 августдаги «Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабини ташкил этиш тўғрисида» қарорига асосан, Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган

республика олимпия захираси спорт мактабининг ташкил этилгани бунинг яна бир далилидир. Ушбу маскан фаолиятининг йўлга қўйилгани нафақат мамлакатимиз шаънини халқаро миқёсда муносиб ҳимоя қила оладиган спортчиларни тарбиялаш, балки қизларимиз ўртасида мазкур спорт турини янада оммалаштиришга хизмат қилиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда мазкур масканда танлов асосида сараланган ёш истеъодлар таҳсил олмақда.

— Халқаро андозалар асосида, замон талаблари даражасида бунёд этилган машғулот заллари, энг сунгги русумдаги спорт жиҳозлари ҳамда барча қулайликларга эга ётоқхона қизлар ихтиёрида, — дейди мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича уринбосари Азиза Азимова. — Уларга мамлакатимизнинг энг малакали 6 нафар мураббийи сабоқ бермоқда. Май ойида ётоқхонанинг 4 қавати янги биноси фойдаланишга топширилди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, ушбу ташлим муассасасига қизлар 10 ёшдан қабул қилинади. Синовлардан муваффақиятли ўтган ёшлар 5 йил давомида шу ерда ўз маҳоратларини ошириб боришади. Шу кунларда 2011 ва 2012 йилларда қабул қилинган 24 нафар истеъод соҳибалари гимнастика сирларини ўзлаштиришмоқда. Уларнинг 4 нафари Ўзбекис-

тон миллий терма жамоасига жалб этилган. Мактаб ўқувчиларидан тузилган жамоа шу йил Россия ва Исроилда бўлиб ўтадиган халқаро турнирларга тайёргарлик қўймоқда.

— Қизларимиз умумтаълим мактабларидаги дарслардан сунг ҳар куни машғулотлар ўтказишади, — дейди мураббий Раъно Мухаммедова. — Ўқувчиларимизнинг фанларни пухта ўзлаштириши, вақтида оёқ қатлашиши ва дам олиши доимий эътиборимизда. Вақт-вақти билан концерт ва театрларга ташрифлар уюштирилади. Бундан ташқари, мактабимиз қошида ташкил этилган соғломлаштириш тўғаракларида 5 ёшдан 10 ёшгача бўлган қизлар бадий гимнастика машғулотлари воситасида ўз саломатликларини тиклаб, муайян кўникмаларни олишаётди.

Ушбу соғломлаштириш тўғариги бадий гимнастика мактаби учун ўзига ҳос захира вазифини ҳам ўталоқда. Қизалоқларнинг машғулотдаги ҳаракатлари ва мусобақалардаги иштироки мактаб маъмурияти ва мураббийларнинг доимий эътиборида.

— Шундай улкан салоҳиятга эга спорт масканининг айнан бизнинг маҳаллада қад ростлагани ҳудудимиз аҳолиси учун ўзига ҳос совға бўлди, — дейди Юнусов туманидаги «Оқибат» маҳалла фуқаролар йигини раиси Аббор Ҳикматов. — Сунгги йилларда маҳалламиз

ёшларининг ушбу спорт турига бўлган қизиқиши орди. Ота-оналарнинг ҳам спортга муносабати ўзгарди. Ўтган йили ўтказилган «Гимнастика барча учун» Ўзбекистон олимпия чемпионатидан сунг ҳудудимизда ушбу спорт тури янада оммалашди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Гимнастика федерацияси, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анъанавий мусобақада умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, уй бекалари, корхона ҳамда ташкилотлар ходимларидан иборат жами 500 нафарга яқин спортчи ўз иқтидорини намойиш этди.

Ҳа, санъаткорона гузаллик ва спортга ҳос шаддатни ўзида мужассам этган бадий гимнастика биз учун қизларни нафақат жисмонан чиниқтириши, балки эстетик жиҳатдан тарбиялаб, мусиқа ва рақсга муҳаббатини юксалтириши билан ҳам қадрли. Мамакатимизда болалар спортига қўрсатилаётган эътибор натижасида келажимиз эгалари орасида спортнинг ушбу тури кун сайин оммалашиб бораётгани ҳамда бўлажак чемпионлар парвозига қанот бағишлангани янада қувонардир.

Элбек ЖУМАНОВ
«Mahalla»

ИЛЛАТНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

УЙДА ТИНЧИ БЎЛСИН ҲАР КИМНИНГ АВВАЛ

Аввал бир танишининг «доно» маслаҳати билан оз-оздан ича бошлаган эр кейинчалик «оз-оз»ларга қаноат қилмай қўйди: ичкиликсиз туролмайдиган, топганини «кайф»га сарфлайдиган бўлди. Охир-оқибат хонадонидан файз, рўзгоридан барака кутарилади. Болалари учун барчасига чидаб келаётган аёлининг ҳам тоқати тоқ бўлди...



Ким билсин, маҳалла-қўй, фаолларнинг маслаҳати ва саъй-ҳаракатлари бўлмаганда, бу кўргиллик нима билан турарди. Ажралмиш ниятда ёзилган ариза йигин мутасаддилари томонидан обдон ўрганилди. Бебош эрга айтилган танбеҳлар, муштилар аёлига берилган насиҳатлар кор қилиб, бузилмиш арафасида турган оила тикланди, яна соғлом ҳаётга қайтди.

Олмасор туманидаги «Ғалаба» маҳалла фуқаролар йигини фаоллари саъй-ҳаракати билан амалга оширилган бу хайрли иш нафақат бир оилани парокандаликдан асраб қолгани, балки ичкиликбозлик дардига чалинган бир кишини турти йўлга солгани билан аҳамиятлидир.

Йигин раиси Баҳодир Аҳмедовнинг айтишича, айрим ёшларнинг гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби зарарли одатларга ўрганиб қолишининг асосий сабаби улар вояга етмаётган оилалардаги носоғлом муҳитда. Уйда тинчи бўлмаган эркак ёки бола кўчадан ўзига эрмак қидиради. Унга шерик бўлганлар эса ҳар доим ҳам уни яхши йўлга бошлайвермайдилар.

— Тиббиётчилар таъбири билан айтганда, беморга қўйил-

ган тўғри ташхис — ярим даво, — дея сўзида давом этади Б.Аҳмедов. — Оиладаги нотинчликни бартараф этиш учун, аввало, келишмовчиликнинг сабабини аниқлаш керак. Фаолларимизнинг ҳар бир хонадон вакиллари билан алоҳида суҳбатлар ўтказиётгани оилаларни ўрганиш ва муаммоларни таҳлил қилиш борасидаги ишларимизда қўл келмоқда. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, баъзилар ўз фарзанди учун етарлича вақт ажратолмайдилар. Оқибатда бола бекорчиликдан зарарли одатларга ўрганиб қолади.

Шунинг учун маҳалла ёшларининг ўқишдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ҳудудда тазкиво спорт турлари йўлга қўйилди. Унга Вояга етмаганлар, ёшлар, спорт ва соғломлаштириш масалалари бўйича комиссия раиси Бахтиёр Мамадалиев раҳбарлик қилади. Айни пайтда ушбу тўғрада 20 нафарга яқин ёш тажрибали мураббий Ҳусан Мамадалиев қўл остида машғулотларда иштирок этмоқда.

Айни кунларда маҳалла ҳудудида футболга ихтисослашган сунғий қопламали майдон барпо этиш ишлари давом этмоқда. Унда нафақат йигитлар, балки қизлар ҳам ўз маҳорати-

ни оширишлари мумкин бўлади. Бундан ташқари, қизлар учун рақс ва тизувчилик тўғрисида ҳам ишлаб турибди.

— Олдинлари энди оила қўрган йигитларнинг гиёҳванд экани ҳақида гап-сўзларни эшитиб қоладик, — дейди фуқаролар йигинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Холида Ражабова. — Никоҳдан олдинги тиббий куриқнинг мунтазам ўтказиб келинаётгани боис бу муаммо бартараф этилди. Тумандаги 15-оилавий поликланика шифокорлари билан ҳамкорликда уюштирилган учрашув ва давра суҳбатларимизда зарарли иллатларнинг олдини олиш борасида тавсиялар беришга ҳаркат қилинмоқда.

Ўтган йили шу мавзуга бағишланган ўндан ортиқ тадбир уюштирилди. Айни пайтда маҳалламизда 4 нафар муқаддам зарари одатлар таъсирига тушиб қолган киши бор. Уларнинг даволаниб, турти йўлга тушиб оилалари учун қўлимиздан келган барча чора-тадбирларни амалга оширяптиз. Улар истиқомат қиладиган оилада вояга етмаётган ўғил-қизларнинг дарста қатнашиши ва фанларни ўзлаштириши ҳам доимий эътиборимизда. Профилактика инспектори, капитан Анвар Алимов бу ишларда бизнинг энг яқин ҳамкоримиз. Нотинч оилалар, ички ишлар идоралари рўйхатида турадиган кишилар билан ишлашда уларнинг ёрдамига таянамиз.

Бундан ташқари, йигин қўшни маҳаллалар билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатган. Ёш оилалардаги маънавий мухитни барқарорлаштиришда ушбу ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, зарур ўқув адабиётлари ва услубий қўланмаларнинг етариллиги ҳам муваффақиятларга замин яратмоқда.

Ҳа, асрлар давомида сайқал тошган маҳалла тизими халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутаяди. Узини ўзи бошқариш органларининг муаммоларини ўз вақтида бартараф этиш йўлидаги изланишлари изчил давом этаверди.

Ж.ЭЛБЕКОВ.

ҲУЗАРДАГИ ГҲРУНГЛАР

СЕПЛИМАС ЭПЛИ КЕЛИН

Маҳаллага янги келин тушди-ю, аёлларга гап топилади.

— Қўрдингизми, жуда чиройли, одоблигина келинга ўхшайди, — деди шивирлаб маҳалланинг гапдон аёлларидан бири салом солаётган келин-дан кўзини узмай ёнидаги шеригига.



— Войво-ей, уч кўналик келин бўлса, одобли эканлигини қаёқдан ҳам била қолдингиз, ҳали «хўнарни чиққанда томошани кўраемиз, — деди қўшни чимирли шериги. Унинг кўнглида шу хонадондан кизини сурашганда, келинликка бериш чўти бор эди. — Шу Карима олага ҳам қайронман, маҳаллада киз қўриб қолаётган бўшқа қишлоқдан келин олди-я.

— Айтманг, келинни келганда кўр, сепинг ёйганда кўр дейишди, — дея гапга қўшилди учинчи аёл. — Карима опа қилган сарпудан бошқа ҳеч вақоси йўқ. Онаси номига битта қимматбўх қўйлаб ҳам қилмабди.

...Карима хола эрининг вафотидан сунг ёлғиз боши билан беш болани вояга етказди. Турт кизини узатиб, ёлғиз ўғли Ёдгоржонни кўнглига қўлоқ тутиб, севган кизига уйлантириб, қариндош-уруғ ва қўшниларидан боши балага қолди. «Битта ўғлинизга қўйиб қолманг тагин», «Кимлигини яхши билмасангиз уларни» каби гапларни уни эшитди.

Хулмас, ҳар ким ўзича на-сихат қилди. Аммо Карима хола совчиликка боргач, бу хонадондаги файз ўзгачалигини англади. Олдингина уй-жойнинг саранжом-сарихталлигини кўрди. Эски одатларга амал қилган ҳолда баҳона топиб тандирхо-

на ва ўчоқнинг бошига борди. Тозалик, озодамликни қўриб, бу хонадоннинг қизи ўғли учун муносиб келин бўлишини билди. Ҳеч кимга қўлоқ тутмай, тўйини ўтказиб ҳам олди.

Орадан бир ой ўтди. Бир ой ичида янги келин ҳовлини эпқага келтирди. Ҳатто эрини ҳам ишта солиб, уй яқинидаги ўтинхонани ҳовли бурчига кўчиртирди. Куча деворларидан тортиб ўтинхонагача эри билан бирга оҳақлаб чиқди. Дарвозанинг икки ёнини гулзорга айлантирди. Энди қўшнилар оғзида бир хил гап:

— Жуда қаққон келин экан. Қаранг, бир пасда ҳамма жойини обод қилиб юборди-я. Келинмига доим урناк қилиб кўрсатаман уни, қўшни.

— Карима опанинг пешонаси ун қарич экан. Шунини айтишадми, кўнгли обод одам ҳамма ерни обод қилади деб. Қўрдингизми, гап молу давлатда эмас.

Бу гапларни эшитган Карима опанинг кўнгли тоғдай кўтарилди, бошидан ўтказган кўнгличликларини унутди. Келин олишда адашмаганини яна бир бор ҳис қилди.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭСИЗ ОДАМЛАР...

ҲАР ЛАҲЗАДА ҲУШЁРЛИК ВА ОҒОҲЛИК ЗАРУР

Ўз хатти-ҳаракатларининг тўб моҳиятини англамаслик оқибатида содир этилган қўнурубзарлик натижасида Сирдарё туманида яшовчи Гулсари Меметова, Нуржамол Рамонова, Ольга Ҳакимова, Любовь Геккер, Константин Геккер, Эльвира Меметова қилмишига яраша жавоб берадиган бўлди.

Гап шундаки, мазкур шахслар билиб-билмай расмий рўйхатдан ўтмаган «Иегово шохидлари» черковидagi машғулотларга қатнашиб, жамиятимизга, миллий манфаатларимизга зид чиркин ғояларни тарғиб этувчи китоблар мутлоаси билан машғул бўлишган.

Таъкидлаш ўринлики, Ватанимизда виждон эркинлиги таъминланган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида: «Ҳамма учун виждон эркин-

лиги қафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», деб белгиланган. Қомусимизнинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи

назар, қонун олдида тенглиги ҳам мустаҳкамланган.

Аммо юқоридаги номалари зикр этилганлар тегишли қонун-қоидаларга риоя қилишмаганини «Биламй қойимиз», дея «изоҳлашди». Аслида эса улар алақачон оқдорани ажрата оладиган ёшда — 35-40 ёшни уриб қўйишган. Жумладан, Геккерлар — Константин Петрович билан унинг рафиқаси Любовь Николаевна ўттиздан ошган, қатъининг пасту баландини кўрган кишилар. Улар ўзлари қатнаган ташкилотнинг норасмий эканлини билишган, уйларига иеговчилар черковидан турли хил диний адабиётларини келтириб сақлашган.

Ола-сингил Эльвира ва Гулсари Меметовалар оилали, яхшигина хонадонга бека эдилар.



Самолёт ҳалокатга учради

✓ Украинанинг «Южные авиалинии» компаниясига қарашли «Ан-24» самолёти Донецк аэропортида ҳалокатга учради.



Одессадан Донецкка парвозни амалга ошираётган самолёт қўниш йўлигидан чиқиб, бўлиниб кетган. Маълумотларга қўра, борда 42 нафар йўловчи ва 8 нафар экипаж аъзоси бўлган. Ҳозирча 5 кишининг ҳалок бўлгани айтилмоқда. 12 нафар киши жа-

роҳатланган. Йўловчиларнинг тасдиқлашича, агар самолёт бўлиниб кетмаганида оқибат янада аянчали бўлиши мумкин эди. Чунки авариядан кейин самолётда ёнғин келиб чиққан. Шунга қарамай, бортадагиларнинг аксарияти қутқариб қолинди.

50 кишига мўлжалланган яқин ва ўрта масофаларга учувчи «Ан-24» йўловчи самолёти икки давлатга бўлиб, унинг ҳалокатига қўниш вақтида двигателлардан бири ишламай қолгани сабаб бўлган.

Ядро синови ўтказилди

✓ Шимолий Корея ҳукумати ядро синови муваффақиятли амалга оширилганини расман эълон қилди. Портлаш кучи 6-7 килотоннани ташкил қилди. Буни Жанубий Корея томони ҳам тасдиқлаган.



ҳам ерости ядро синовларини ўтказиб, халқаро ҳамжамиятнинг жиддий эътирозларига сабаб бўлганди.

Пхеньянинг ҳаракатларига жавобан БМТ Хавфсизлик кенгаши бир қатор резолюциялар қабул қилган. Хусусан, унда КХДРдан ядро соҳасида фаолиятни тўхлатиш талаб этилади.

Ҳозирда ушбу воқеа жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг муҳокама қилинмоқда. Айниқса, Жанубий Корея, Япония ҳукуматлари Шимолий Кореянинг ушбу хатти-ҳаракатларини қатъий қоралаб, тезда жавоб чоралари кўришни биладир. Ўз навбатида, БМТ бош котиби Пан Ги Мун ҳам мазкур синови резолюцияни бузиш, дея баҳолади.

Музлаткич — бактериялар макони

✓ «Microban Europe» компанияси мутахассислари совуттичлар инсон соғлиги учун жиддий хавф тўғдиради, деган қатъий фикрга келишди.



Бонси, совуттичнинг бўлмағарида кўп миқдорда бактериялар сақланиб қолар экан. Айниқса, сабзавот ва мева-лар сақланадиган суризма кутлар касаллик қақирувчи

микроорганизмлар «макони» ҳисобланади.

Тадаққиот давомида ўттизта хонадондаги совуттичлар текширувдан ўтказилди. Натижада ўрта ҳисобда 1 кв. см майдонда 7,85 минг бактерия борлиги аниқланди. Баъзи бирларида ҳатто 129 минтагача микроб топилди.

Суризма кутиларда ичак таёқчалари, салмонелла, листерия каби бактериялар борлиги тасдиқланди.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

Тошпўлат ХАЙИТБОЕВ
«Mahalla»



Mahalla

ижтимоий-сиёсий ва маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-10-73
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-39-89



Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: А.Мейликов
Мусаҳҳиш: Н.Азимова
Навбатчи: Н.Юнусова
Нашр навбатчиси: Э.Жуманов
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.